

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019. Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ ИЛҲОМ ЭСОНОВИЧ**

**ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ ТАЪСИРИ ДОИРАСИДАГИ  
ГЕОТИЗИМЛАРНИНГ ЛАНДШАФТ – ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ  
БАҲОЛАШ**

**11.00.01 – Табиий география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Каримов Илхом Эсонович**

Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт – экологик ҳолатини баҳолаш.....3

**Каримов Илхом Эсонович**

Оценка ландшафтно – экологического состояния геосистем сферы влияния Джизакского водохранилища.....21

**Karimov Ikhom Esonovich**

Assessment of the landscape – ecological condition of geosystems under the influence of the Jizzakh reservoir.....39

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019. Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ ИЛҲОМ ЭСОНОВИЧ**

**ЖИЗЗАХ СУВ ОМБОРИ ТАЪСИРИ ДОИРАСИДАГИ  
ГЕОТИЗИМЛАРНИНГ ЛАНДШАФТ – ЭКОЛОГИК ҲОЛАТИНИ  
БАҲОЛАШ**

**11.00.01 – Табiiй география**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В.2018.2.PhD/Gr56 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Жиззах давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаев Илҳом Хотамович**  
география фанлари номзоди, доцент

**Расмий оппонентлар:**

**Ўразбаев Абдукарим Кендирбаевич**  
география фанлар доктори

**Рафиков Ваҳоб Асомович**  
география фанлар доктори, (DSc)

**Етакчи ташкилот:**

**Қорақалпоқ давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «22» январь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ikgeografiya.nuuz@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 3 -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «11» январда тарқатилди.  
(2021 йил «9» январдаги № 29 -рақамли реестр баённомаси).



**Н.И.Сабитова**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
г.ф.н., доцент

**З.Н.Тожиёва**

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, г.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунё аҳолисининг тез суръатларда ортиб бориши табиий ресурслар, айниқса, сув ресурсларидан интенсив фойдаланишни ва бунинг оқибатида сув ҳавзаларининг ландшафт комплексларида турли хил ўзгаришлар, ерларнинг ботқоқланиши, шўрланиши, ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши жараёнларини юзага келтирмоқда. Жаҳонда мавжуд бўлган 1,5 миллиард гектар экин майдонларида етиштириладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 40% ҳосили суғориладиган ерлардан олинади. Шундан 300 миллион гектари сув омборларида тўпланган сувлар билан суғорилиши ва бу кўрсаткич 2030 йилга келиб 30 %га ошиши бутун жаҳон озиқ-овқат ташкилоти FAO томонидан алоҳида таъкидланган<sup>1</sup>. БМТнинг 2030 йилгача барқарор ривожланиш бўйича дастурининг 6 - бандида «Мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш ва сувнинг ифлосланишини олдини олиш»<sup>2</sup>га қаратилган вазифалар сув омборларида рўй бераётган ландшафтларнинг ўзгаришини таҳлил қилишни, баҳолашни ва уларни мониторинг қилиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш заруриятини юзага келтиради.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, жумладан, сув омборларида тўпланган сув ресурсларидан фойдаланиш жараёнида ботқоқланиш, шўрланиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ўзгариши, ер ости сувларининг сатҳининг ўзгариши шароитида юзага келиши мумкин табиий жараёнларни ўрганишга ҳамда ландшафт-экологик ҳолатни баҳолашга катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, табиий-антропоген тизимлар, яъни сув омборлари таъсири доирасидаги ландшафтларнинг ҳозирги ҳолатини дала шароитида, картографик, аэрокосмик методлар билан ўрганиш ва тавсифлаш, карталаштириш ва бу орқали ландшафт-экологик шароитининг ўзгариши таъсирини баҳолаш ҳамда ландшафт-экологик ҳолатини яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳоли ва хўжаликнинг сувга боғлиқ соҳаларини сув билан барқарор ва кафолатли таъминлаш мақсадида ирригация тизимини ривожлантириш ҳамда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда ва бу борада сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сонли “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида “Илм-фан ва амалиёт интеграциясини жадаллаштиришни таъминлаш” тизими юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Жиззах сув омборининг таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолатининг шаклланишини ва ўзгаришини баҳолаш, муайян ҳудуднинг ўзига хос табиий хусусиятларини

<sup>1</sup>FAO of the United Nations and Earthscan, Rome, 2012. Water and Cereals in Drylands.

<sup>2</sup>Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

инобатга олиб тизимли ёндашув асосида уларга таъсир этувчи омиллар ўртасидаги ўзаро боғлиқликларини ўрганишга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Сув хўжалигини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги 978-сон “Экотуризмни ривожлантириш ва сув омборларининг сувини муҳофаза қилиш зоналари доирасида ер участкалари ажратиш тартибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда ушбу фаолият доирасидаги кўплаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VIII. «Ер ҳақидаги фанлар», V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Сув омборларининг атроф ҳудудлари ландшафт-экологик ҳолатига таъсирини ўрганишга қатор тадқиқотчилар томонидан бағишланган ишлар қилинган. Бу борада рус олимларидан К.Н.Дьяконов, А.М.Никитин, М.И.Львович, Г.В.Воропаев, А.Б.Авакян, С.Г.Алтунин, Е.Г.Качугин каби кўплаб олимлар томонидан илмий ва амалий изланишлар олиб борилган ва давом эттирилмоқда. Бу ўринда Ўрта Осиёда, айниқса, Ўзбекистонда сув ресурсларидан фойдаланиш ва сув омборларининг қурилиши, уларнинг ландшафтларининг ўзгаришига, атроф-муҳитга таъсири бўйича В.Назаров, В.Шульц, С.Соболев, К.Ситник, Л.Алибеков, А.Нигматов, Ф.Хикматов, А.Рахматуллаев, В.Рафиқов, К.Шарафутдинова, И.Абдуғаниев, Ю.Султонов, Ш. Шарипов, Р.Холиқов, Ш.Азимов, И.Абдуллаев, И.Абулқосимова, Р.Пирназаров ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган.

Юқорида келтирилган ишларда сув омборларининг таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолати ва унинг атрофидаги ландшафтлар хусусиятларининг ўзгариб бориши комплекс ўрганилмаган. Мазкур диссертация тадқиқоти Жиззах сув омборининг таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолатини муайян узвийликда баҳолашга ва прогнозлашга қаратилганлиги билан юқоридаги ишлардан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика институти илмий тадқиқотлар режасининг А7-ХТ-0-30670 рақамли “Айдар-Арнасой кўллар тизимининг шаклланиши, динамикаси ва атроф-муҳитга таъсирини тадқиқ қилиш” мавзусидаги амалий тадқиқотлар лойиҳаси (2012-2014) ва Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси томонидан эълон қилинган “Жиззах вилояти маданий мерос объектлари” грант лойиҳаси (2018 йил 18 май № 349 сонли гувоҳнома) режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолатининг шаклланишини ва ўзгаришини баҳолаш, прогнозлаш, улардан оқилона фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларнинг ландшафт-экологик ҳолатининг шаклланишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва табиий географик жиҳатдан илмий асослаш;

ҳудуддаги табиий, табиий-антропоген ландшафтларнинг шаклланиши ва динамикасини ўрганиш ва баҳолаш ҳамда 1:50 000 йирик масштабда картасини яратиш;

сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларни табиий-антропоген ландшафтларининг асосий типларини ажратиш географик ахборот тизими (ГАТ) дан фойдаланиб ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаш;

сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларнинг ландшафт-экологик ҳолатини фойдаланиш даражасига кўра прогнозлаш ва илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Жиззах сув омбори ва унинг таъсир доирасидаги табиий-антропоген ландшафтлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтларнинг чегараларини аниқлаш, уларга сув омборида тўпанадиган сувлар таъсирини аниқлаш ва ўзгаришини прогнозлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини асослаш масалалари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда комплекс географик, дала тадқиқотлари, географик таққослаш, картографик, аэрокосмик, моделлаштириш, ландшафт индикация тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Жиззах сув омборининг таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтлари илк маротаба фация даражасида (11та фация) аниқланган ва йирик масштабда (1:50 000) ландшафт картаси яратилган;

Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтлардан хўжаликда фойдаланиш натижасида ўзгарганлик даражаси (кучсиз ўзгарган, ўртача ўзгарган, кучли ўзгарган ва ўта кучли ўзгарган) баҳоланган;

Жиззах сув омбори сувни муҳофаза қилиш зоналари ҳудуди туризм нуқтаи назаридан қулайлик даражалари (қулай, камроқ қулай, қулай эмас) баҳоланган;

Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларнинг ландшафт-экологик ҳолати фойдаланиш даражасига кўра прогнозлаштирилган ҳамда оқилона фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Жиззах сув омборининг таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтларнинг йирик масштаби (1:50 000) фация даражада ландшафт картаси яратилган;

Жиззах сув омбори таъсири доирасида табиий-антропоген ландшафтлар 11 та фацияга ва 4 та зонага ажратилган;

Жиззах сув омборининг таъсири доирасидаги ҳудудлардан фойдаланиш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Жиззах вилояти қишлоқ ҳамда сув хўжалиги бошқармалари статистик маълумотлари, Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси ва Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ҳузуридаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси маълумотларидан фойдаланилганлиги, кўп йиллар давомида тўпланган дала-тадқиқотлар асосида яратилган карталар, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Жиззах вилоятидаги сув омборлари ва бошқа сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланишни амалга ошириш, Жиззах сув омбори атрофидаги табиий ва табиий-антропоген ландшафтларни таснифлаш, ўзгариш даражасини аниқлаш ва баҳолаш методикасини янги усуллар ёрдамида такомиллаштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Жиззах сув омбори атрофидаги ландшафтларнинг ландшафт-экологик ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлаш ва баҳолаш, улар асосида ушбу ҳудудлардан самарали фойдаланишга қаратилган таклифларда намоён бўлади. Жиззах вилоятида туризмнинг янги туристик объекти бўлган сув омборларининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида туризм инфратузилмаси объектларидаги қурилиш ишлари юзасидан уларни атроф-муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида қатъий назорат ташкил этиш ва улар билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилишга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жиззах сув омбори атрофидаги табиий ва табиий-антропоген ландшафтларнинг ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган йирик масштаби ландшафт картаси асосида, унда акс эттирилган фациялар доирасида экинларни суғориш, лалми ерларни фойдаланишга киритиш тадбирлари Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги 04/20-2042-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах сув омбори атрофидаги мавсумий лалми ерлардан фойдаланишда тупроқ-грунт қопламанинг мелиоратив



ҳолати ва ер ости сувларининг ўзгаришини бошқариш тадбирларни амалга ошириш имкониятини берган;

Жиззах сув омборининг таъсири доирасидаги ландшафтларнинг хўжаликда фойдаланиши натижасида ўзгарганлигини ва экологик ҳолатини баҳолаш натижаларидан Сув хўжалиги вазирлигида ер-сув ресурсларидан мақсадли фойдаланишда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июль 04/20-2042-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах сув омбори атрофидаги ерлардан оқилона ва мақсадли фойдаланишни мониторинг қилиш имконини берган;

Жиззах сув омбори сувни муҳофаза қилиш зоналари экотуризмни ривожлантириш мақсадида баҳолаш натижалари Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан янги туристик объектларни аниқлаш ва уларда туризм инфратузилмаси объектларини лойиҳалашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 1 ноябрдаги 02-22/8008-сон маълумотномаси). Натижада, Жиззах сув омборининг сувни муҳофаза қилиш зоналари доирасида туризм инфратузилмаси объектларидаги қурилиш ишлари юзасидан уларни атроф муҳитга салбий таъсирини бартараф этиш мақсадида қатъий назорат ташкил этиш имконини берган;

Жиззах сув омборининг атрофидаги ҳудудлардан фойдаланиш натижасида ландшафт-экологик ҳолатни прогнозлаштириш ишлари ва уларни акс эттирилган ландшафт картаси Сув хўжалиги вазирлигида Жиззах сув омборининг сув ресурсларини бошқаришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2020 йил 9 июлдаги 04/20-2042-сон маълумотномаси). Натижада, сув омборининг рекреация мақсадларига мўлжалланган ҳудудларини аниқлаш, сув омборлари тармоғини кенгайтириш ҳисобидан лалми ерларни фойдаланишга киритиш ҳамда илм-фан ва амалиёт интеграциясини жадаллаштиришни таъминлашга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, унинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сув омборлари таъсири доирасидаги ҳудудларнинг ландшафт-экологик ҳолатининг шаклланишини ўрганиш”** деб номланган биринчи бобида олиб борилган изланишлар шуни кўрсатадики, табиий ландшафтларнинг шаклланиши, ўзгариши ва янги типларининг пайдо бўлишида антропоген сув иншоотлари муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Сув омборлари эса локал ва минтақавий миқёсда, табиий ландшафтларнинг ўзгаришида таъсир этувчи энг катта сув иншоотларидан ҳисобланади ва уларнинг табиий муҳитга бўлган таъсирини ўрганиш табиий географиянинг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Сув омборлари қурилиши ва улардан фойдаланиш XX асрда оммавий тус олиб, планетар даражага кўтарилди. Бир томондан, сув омборлари иқтисодий ривожланишнинг омилларидан бири бўлса (сувга бўлган аҳолининг эҳтиёжи, энергия манбаи, қишлоқ хўжалиги, транспорт), иккинчи томондан, ландшафт-экологик омилларидан бирига айланиб, табиатга салбий таъсири билан намоён бўлди (ботқоқланиш, шўрланиш, катта ҳудудларнинг сув тагида қолиши, касалликлар, флора ва фаунанинг ўзгариши). Бу сув омборларининг географияси, сув сифими, майдони, шакли билан боғлиқдир.

Сув омборларининг қурилиши ва фаолияти натижасида табиий ландшафтлар ўзгаради, уларнинг янги типлари, инсон томонидан бошқариладиган, гидротехника иншоотлари (тўғон, канал, дамба ва бошқалар), сув босиши билан боғлиқ бўлган гидроген ландшафтлар, шўрланган, ботқоқлашган майдонлар, табиий ландшафтларнинг табиий-антропоген типлари билан алмашиши кузатилади.

Сув омборларининг қурилиши натижасида табиий ландшафтларнинг қиёфаси, тузилиши, улардаги кечаётган жараёнлар ва экологик ҳолати ўзгаради. Бу эса, асосан, инсон аралашуви натижасида содир бўлиши, бевосита ёки билвосита янги типдаги ландшафтларнинг шаклланиши ва пайдо бўлишига олиб келади.

Сув омбори таъсирида кечаётган жараёнлар турли кучга ва тезликка эга бўлгани учун ландшафт қиёфасининг ўзгариши ҳам ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Бу ўринда сув омборининг ҳудудларга таъсир даражасига кўра, И.Абдуллаев бешта типга, яъни таъсир доираси, таъсир зонаси, кичик таъсир зонаси, таъсир майдони, бевосита таъсир доирасига ажратган.

Сув омборининг таъсир доираси ҳақида адабиётларда алоҳида бир тушунча ёки аниқ таъриф келтирилмаган. Лекин у таъсир зонаси, кичик таъсир зонаси, таъсир майдони, бевосита таъсир доирасидан ташкил топиши ҳақида маълумотлар келтирилади (Мильков, Авакян, Воропаев, Дьяконов).

Сув омборининг *таъсир доираси* бу – ўзаро боғлиқ бўлган табиий муҳит компонентларининг мажмуаси бўлиб, бевосита, қисман ёки билвосита сув

омбори таъсири остида тушган майдон ҳисобланади. Мазкур тушунчаларга турли олимлар томонидан маълумотлар турлича берилганлиги туфайли ҳар бир тушунча ва унинг чегараларини аниқлаш учун уларнинг таърифлари такомиллаштирилди.

Сув омборининг *таъсир зонаси* бу – алоҳида ҳаракатчан компонент бўйича ажратиладиган ареал ёки геотизимнинг тубдан ўзгарган компоненти ареалидир. Сув омборининг таъсир доираси айрим ҳолларда, сув омбори бевосита таъсир доирасига кирмайдиган, жуда катта майдонларни қамраб олиб, алоҳида табиий муҳит компонентларида кўринади.

Сув омбори *кичик таъсир зонаси* бу – гидротехника иншоотининг табиий жараёнларининг бир томонлама бошқарилиши ва аниқланиши билан ифодаланадиган ҳудуд ҳисобланади.

Сув омборининг *таъсир майдони* бу – бир зонанинг алоҳида бошқа ҳудудлардан фойдалилиги билан ажралиб турувчи қисмидир. Таъсир майдонлари салбий, ижобий ва кучсиз даражасига қараб ажратилади.

Сув омборининг *бевосита таъсир доираси* бу – табиий муҳит компонентларининг энг кучли ўзгаришларга учраган ҳудудларидир. Бевосита таъсир доираси қуйидаги ҳудудларга бўлинади:

- а) бевосита геоморфологик ўзгаришлар мавжуд бўлган жойлар;
- б) бевосита гидрологик ўзгаришлари мавжуд бўлган жойлар;
- в) иқлимий ўзгаришларга учраган жойлар.

Юқорида кўрсатилган табиий муҳит комплексларида сув омборлари қурилиши ва фаолияти натижасида табиий компонентларнинг ўзгариши ва янги типлари пайдо бўлиши кузатилади. Бунда табиий ландшафтларнинг, уларнинг экологик ҳолатининг даражалари ҳам ўзгаришлари кузатилади.

Бундай ўзгаришларнинг илмий таҳлили билан турли вақтларда қуйидаги хорижий Л.С. Вендров (1955, 1964, 1976), А.Б. Авакян (1976, 1980, 1982), Л.А. Шевченко (1975), А.М. Никитин (1985), К.Н. Дьяконов, А.Ю. Ретеюм (1971) ва Ўзбекистонда Л.А. Алибеков, К.У. Шарафутдинова (2015), И.Х. Абдуллаев (2005), В.Е. Чуб (2007), Ш. Шарипов, И. Адиллов, Д. Хамраев (2008) каби олимлар шуғулланганлар.

Инсоннинг хўжалик фаолияти натижасида табиий ландшафтлар структурасида катта ўзгаришлар бўлмоқда, уларнинг ўрнида янги турли кўринишдаги антропоген ландшафтлар шаклланган. Антропоген ландшафтлар, табиий ландшафтлар каби доимий турғун йўналишда ривожланмоқда. Воҳа ландшафтларини ажратиш ва карталаштиришда, асосий эътибор рельефнинг генетик типига, она жинсларининг шаклланишига, тупроқлар тузилишига, агробιοценозлар характериға, ер ости сувларининг чуқурлигига қаратилади.

Гидроген ландшафт шаклланиши деб, янги барпо этилган сув иншооти қирғоқларининг турли экзоген ва эндоген кучлар таъсирида сув ости ва сув устки умумий қиёфасини қайта шаклланиш жараёни тушунилади (Г.В. Воропаев, А.Б.Авакян, 1986). Гидроген ландшафтларининг шаклланиши ва уларни гидроген ландшафт, майдон, жой, фация каби даражалари И.Х.

Абдуллаев (2006) томонидан ажратиб чиқилган.

Сув омборлари таъсири доирасидаги ҳудудларнинг ландшафт-экологик ҳолатини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб, ҳозирги кунда антропоген омиллар ҳисобланади. Антропоген омилларнинг асосини эса сув омборининг гидротехноген тизим сифатидаги фаолияти, унинг сатҳининг ўзгариши, сув омбори атрофидаги селитеб, агроландшафтлар, рекреацион ҳудудларнинг шаклланиши, балиқчилик ва бошқалар ташкил этади. Бундан ташқари юқорида таъкидланганидек, асосий ўзгаришлар инсоннинг онгли фаолияти, яъни унинг сув омборини бошқариши билан боғлиқ бўлиб, унинг ўрганилиши муҳим географик масала ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолати ва унга таъсир этувчи омиллар”** деб номланган иккинчи бобида ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолатини шакллантирувчи табиий-географик, гидроген ва техноген омиллар атрофлича ўрганилган ва аниқланган. Мазкур ҳудуд Жиззах вилоятининг жануби-шарқда, Жиззах шаҳридан 9 км жануби-шарқда, маъмурий жиҳатдан Ш. Рашидов туманида жойлашган бўлиб, табиий географик жиҳатдан Туркистон тизмасига кирувчи Молгузар тоғларининг шимолий этакларида, Мирзачўл текислиги оралиғида жойлашган.

Ушбу ҳудуд табиий ботикликда, Ш. Рашидов туманидаги Ёйилмасой чуқурлигини эгаллаб Жиззах сув омбори ва унинг бевосита таъсиридаги майдонларни ўз ичига олади ҳамда ўзига хос литологик, геоморфологик, гидрологик, иқлимий, эдафик ва биоген шароитларига эга. Туятортар каналидаги майда рельеф формалари (ўпирилмалар, қирғоқ абразияси, ёлғон террасалар) билан ифодаланган. Сув омбори сатҳининг ўзгариши натижасида эса қирғоқ ёнбағир формалари шаклланган. Бу ҳудудларнинг асосий қисми антропоген таъсирга учраганлиги сабабли табиий рельеф шакллари ҳам шу боис катта ўзгаришларга учраган. Уларнинг асосий рельеф шакллари гидротехноген кўринишда бўлиб, ариқлар, кичик дамбалар, сув омбори тўғони, агротехноген ва селитеб мажмуаларидан иборат. Сув омбори ҳамда унга қуйиладиган сой ва каналлар билан бевосита боғлиқ ҳудудларда 0,3-0,5 метргача баландликга эга бўлган террасалар, қирғоқ абразияси шакллари (ўпирилмалар, эррозион ботикчалар, бўйлама дўнгчалар, жарланиш ва бошқалар) ни кузатишимиз мумкин. (2017, 2018 йиллардаги дала тадқиқотлари натижалари).


Ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолатини шакллантирувчи асосий омиллардан бири гидроген омиллардир. Ҳудуд ҳолатини шакллантирувчи гидроген омиллар сув ресурслари ва уларнинг манбалари билан боғлиқ бўлиб, уларга ҳудуддаги барча табиий ва сунъий сув манбалари киради. Мазкур ҳудуддаги энг катта сув манбаларидан Туятортар канали ва Жиззах сув омбори ҳисобланади.

Ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолатни белгиловчи техноген омилларга қуйидагилар киритилади: тўғон ва унинг тизими, сув чиқариш ва киритиш тизимлари, ирригация каналлари, техник бошқарув тизимлари, йўллар ва

бошқа турдаги гидротехника қурилмалари (сувни фавқулодда чиқариш тизими, дамба, коллектор-дренаж тизими ва бошқалар). Ушбу объектлар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, сув омборига боғлиқ техноген омиллар тизимини шакллантиради. (1-жадвал)

1-жадвал.

### Сув омбори ландшафт-экологик ҳолатини белгиловчи техноген омиллар



Сув омборининг сув чиқариш ва киритиш тизимлари билан бевосита боғлиқ ҳудудларда янги ётқизиклар, лойқа ва турли геологик жараёнлар кучайиши кузатилади. Сув кириш жойларида қирғоқларнинг емирилиши, катта-кичик ҳажмдаги ўпирилишлар, сурилишлар, жарланиш жараёнлари ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Сув омборининг чиқиш қисмидаги турли гидротехник, қурилма ва йўллар ўзига хос ландшафт-экологик ҳолатни белгилайди. Ўз навбатида ушбу техноген тизимлар иқлимий, гидрологик ва биологик омилларга ҳам таъсир кўрсатади. Бу эса ландшафт-экологик ҳолатнинг асосий белгиловчи омили сифатида инсоннинг хўжалик фаолияти ётишини кўрсатишини белгилайди.

Диссертациянинг **“Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларда табиий, табиий-антропоген ландшафтларнинг шаклланиши ва динамикаси”** деб номланган учинчи бобида ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолатини шакллантирувчи гидроген ва гидротехноген ландшафтлар шаклланиши ва динамикаси, Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларда табиий, табиий-антропоген ландшафтларнинг ўзгариши ва динамикасини ўрганилди ва таҳлил қилинди. Жумладан, Жиззах сув омбори ва унинг фаолияти натижасида гидроген ҳамда гидротехноген ландшафтлар шаклланган бўлиб, ўзига хос ривожланиши ва динамикасига эгадир. Энг катта гидроген ёки аква ландшафт – бу сув омбори ҳисобланади.

Сув омбори тўғони ва унга яқин жойларда дренаж тизими ишлаётганлиги туфайли гидроген ландшафтлар аниқ ифодаланмаган, аммо Туятортар канали ва кичик сой ҳамда қуруқ ўзанлар ўрнида гидроген ландшафтлар аниқ намоён бўлади. Гидроген ландшафтларнинг асосий типлари сув омборининг ғарбида Туятортар канали қуйилишида, жанубда Равотсой ва қатор вақтинча оқар сувлари билан боғлиқ қуйилиш қисмида

учрайди. Туятортар каналининг қуйилиш жойидаги гидроген ландшафт фашиал даражадаги кўринишда бўлиб, қирғоқ абразион шаклларида, бирикки йиллик “сохта” террасаларда, кичик жарланиш жараёнларида намоён бўлади. Дала шароитида олиб борилган тадқиқотлар (2018-2019 йиллар) натижасида сув босган ва намланган, сув омборининг очилиб қолган тубида 5-15 см чуқурликка эга, узунлиги 15-45 м гача етадиган кичик ариқчалар (жарчалар) шаклланган. Уларнинг аксарияти сув омборига сув қуйилиш йўналишида ривожланган. Ушбу ландшафт шакллари асосан лёссимон суглинкалардан ташкил топган бўлиб, устки қисми визуал кўрсаткичлар бўйича аниқланган, 5-15 см қалинликдаги гидроморф тупроқлардан иборат.


Сув омбори атрофида шаклланган табиий-антропоген ландшафтлардан селитеб ва саноат ландшафт типлари ажратилди. Мазкур худудда сув омборининг косаси ва унинг қирғоқларида йирик аҳоли пунктлари мавжуд бўлмаган, сув омбори қурилгандан сўнг аҳоли манзилгоҳлари сув омбори худудига анча яқинлашганлиги, ушбу ҳолат фақат сув омбори қурилиши билан эмас, балки Жиззах шаҳрининг кенгайиб бораётганлиги, аҳоли кўпайиши ва бошқа сабаблар билан ҳам боғлиқ ҳолда ривожланиши кузатилмоқда.

Сув омборининг ташкил этилиши натижасида худуднинг бевосита таъсир зонасида агроландшафтлар ва рекреацион ландшафт типлари шаклланиши доимо кузатилган. Агроландшафтларнинг ривожланиши, асосан, сув омборининг фаолияти билан динамик равишда боғлиқлиги йилларнинг сувлилик даражасида яққол намоён бўлади. Чунки ёғинлар кўп бўлган йилларда сув омборида ортиқча сув ресурслари бўлиб, улар кўпроқ майдонда суғориш ишларини олиб бориш имконини беради. Аксинча, сув танқис бўлган йилларда эса сув омборидан олинадиган сув ва унинг атрофидаги ландшафтларнинг ривожланиши сув омборининг сув ҳажми ва сатҳининг даражалари билан ифодаланади. Яъни сув омборидаги сувнинг чиқиши билан қишлоқ хўжалик экинзорлари майдонлари ва уларнинг ривожланиши бевосита боғлиқ бўлади. Сув омборларининг рекреацион имкониятлари бўйича кўплаб маълумотлар турли хорижий ва маҳаллий адабиётларда ёритилган. Сув омборларининг рекреацион ландшафтларни шакллантириши бўйича хориж олимларидан А.Б. Авакян, С.Л. Вендров, К.Н. Дьяконов, Й.М. Матарзин, В.А. Шарапов, В.М. Широков, ўзбек олимларидан Ш. Азимов ва И. Абдуллаевларнинг ишларида сув омборлари ва уларнинг рекреацион имкониятларига берилган маълумотлар эътиборга лойиқдир.

Бу ўринда Жиззах сув омбори ва унинг таъсир доирасида ҳам маълум даражада рекреацион ҳолат яхшиланганлиги, имкониятлар ҳам етарли бўлишига қарамасдан, баъзи бир сабабларга кўра ушбу объектнинг рекреацион имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги тушунарсиз ҳолатдир. Дала шароитида сув омборининг шарқий қирғоқларидан топилган объектлар ва улардан олинган суратлар намуналари келтирилган. Маҳаллий аҳоли (Кўштамғали қишлоғи вакили 82 ёшли Муҳаммад ота, Қораянтоқ қишлоғи вакили 86 ёшли Анорбой оталарнинг оғзаки маълумотлари)

# Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтларнинг фациялари картаси

1-расм



Тузувчи: Каримов И. Э. 2018й.

томонидан олинган маълумотларга кўра баъзи йилларда сув омбори атрофидаги ҳудудларда кичик рекреацион объектлар (чўмилиш майдончалари, балиқчилик, сузиш бўйича спорт иншоотлари) ташкил этилган, лекин тезда ёпилган, бугунги кунга келиб бирорта рекреацион маскан йўқлиги уларни ҳам таажжубга солаётганлиги таъкидланган. Шунга қарамасдан, сув омборидан чиқаётган каналлар бўйларида, сувнинг тиниклиги, ҳарорати бу ерда ҳордиқ чиқаришга имкониятлар мавжудлиги, маҳаллий аҳоли ва шаҳарликлар вақтинчалик ўзига хос чўмилиш майдончалари ташкил этишганлиги, ёзнинг иссиқ кунларида дам олишга келишлари аниқланган. Сув омборида ўсимликларнинг вегетация давридан кейин ҳам, яъни куз ва қиш ойларида 10 млн. м<sup>3</sup> гача сув қолиши, бу ерда балиқчиликни (жуда бўлмаган ҳолда спорт мусобақаларини ўтказиш учун) ривожлантириш имкониятларининг борлиги, қайиқ ва байдаркаларда сузишни ташкил қилиш, қирғоқ бўйларида, маълум чоралар билан, дам олиш масканларини қуриш имкониятини кўрсатади.

Диссертациянинг **“Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаш”** деб номланган тўртинчи бобда Жиззах сув омбори таъсири доирасида табиий-антропоген ландшафтларнинг асосий типлари ажратилди. Табиий-антропоген ландшафтларнинг ўрганиш ишлари, сув омбори қирғоқларидаги бевосита кузатувлари, 2017 йилнинг май, август, ноябрь, 2018 йилнинг март, июль, сентябрь, 2019 йилнинг апрель, июль, август ойларида олиб борилиб, ушбу кузатувлар натижасида табиий-антропоген ландшафтларнинг қуйидаги асосий типлари Жиззах сув омбори атрофида, сув юзасидан 1-150 метргача бўлган масофада ўрганилди, таҳлил қилинди ва ландшафтларнинг районлаштириш картаси ишлаб чиқилди (1-расм).

Бу ҳудуддаги сув омборининг аквал ландшафтларини шартли равишда саёзликлар (0,5 – 1,5 метргача), ўртача (2,5 – 8 метргача) чуқурликларга эга бўлган ҳудудлар, сув омбори ўлик сув сатҳини сақлайдиган, чуқурлиги (8-15 метргача) ва энг чуқур (15 – 26 метргача) бўлган аквал ландшафтларга бўлинди. Уларнинг ҳам дала кузатишлари натижасида сув ўтлари билан қопланиши, сувнинг ҳарорати, тиниклиги, сув жонзотлари ва балиқлар турлари аниқланди.

Ҳар бир ландшафт зонаси ва кичик зоналари ўз навбатида юқорида 4.1 бўлимдаги берилган ландшафт типларининг у ёки бу фациялари билан белгиланади. Масалан, Туятортар канали қуйилиш жойидан то Қораянтоқ қишлоғининг чегараларигача бўлган таъсир зонаси 1, 2, 5 типдаги ландшафт фациялари, иккинчи, сув омборининг жанубий чегаралари тепаликлари ҳудудлари ландшафт зонаси 3, 4, 6, 7 типдаги ландшафт фациялари, учинчи, сув омборининг шарқий дарахтзор ва бутазорлари ҳудудлари 8, 9 ландшафт фациялари билан ифодаланади.

Сув омбори таъсири доирасида табиий-антропоген ландшафтларнинг 11 та асосий типлари ажратилиб, уларнинг эгаллаган майдони, ўсимликлар типлари, ландшафтларнинг экологик ҳолати аниқланди ҳамда фациал даражада белгиланди. (2- жадвал )



**Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтларнинг асосий типлари**

2- жадвал

т/р	Ландшафт типи	Майдо ни %	Ўсимликлари	Экологик ҳолати
1	Сув омборининг қирғоғидан 1-15 метргача масофада шаклланган гидрофиллар билан 30-65 % гача қопланган текис юзали фациялар	6,8	юлғин, қушқўнмас, қамиш, қўға	қирғоқларда инсон фаолияти билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли
2	Сув омборининг шарқий қирғоғидаги 1-15 метргача масофада шаклланган гидрофиллар билан 45-75 % гача қопланган қия юзали фациялар	1,1	қўға, қамиш, қирғокнинг юқори қисмида юлғун	қирғоқларда пода боқилиши билан боғлиқ ифлосланиш учрайди, қониқарли
3	Сув омборининг жануби шарқидаги Равотсой ва қуруқ ўзанлар бўйидаги 25-50 метргача узокликда шаклланган ўзан ва конус ёйилмалари фациялар	10,9	қамиш, қўйтикан, арпағон. Ёнбағирларда янтоқ, дастарбошлар учрайди	инсон фаолияти билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли
4	Сув омборининг ғарбий қисмидаги Туятортар каналининг қуйилиш жойидан 150 метргача узокликда шаклланган ўзан ва конус ёйилмалари фациялар	0,4	ғалла экинлари, сойларда қамиш ва қўға билан қопланган. Экин экилмаган жойларда янтоқ ва юлғун тарқалган	қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли
5	Сув омборининг жануби ва ғарбий қисмидаги 150-500 метр узокликда шаклланган асосан табиий яйлов сифатида фойдаланиладиган, айрим жойларда қисман мавсумий экинзорлар ташкил қилинган текислик фациялар	66,5	гидрофитлар юлғун, қамиш, ажрик, қўға тарқалган. Қишлоқ хўжалигида фойдаланилган ерларда лалми пахта, беда, нўхат, мош ва бошоқлилар (маккажўхори)	қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли
6	Равотсой ва Жиззах машина канали (ДМ-3) каналининг қирғоқларида шаклланган ясси тепаликлардаги лалми экинлар билан эгалланган фациялар	2,1	табиий сойликларда қамиш ва қўға. Экин экилмаган жойларда янтоқ ва юлғунлар учрайди	инсон фаолияти билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли
7	Равотсойнинг ўрта оқимидаги ҳосил бўлган жарлар фациялари	0,5	қўйтиканак, қамиш, янтоқ, арпағон	инсон фаолияти билан боғлиқ эррозион жараёнлар мавжуд, қониқарли
8	Сув омборининг шарқий қисмидаги тепаликлардаги ихота ўрмонлари ва боғлардан иборат фациялар	10,4	акация, тут, қоратол, наъматак, чинор, юлғун, янтоқ, ажрик	қирғоқларда пода боқилиши билан боғлиқ ифлосланиш учрайди, қониқарли
9	Сув омборининг шарқий қирғоғида шаклланган гидрофиллар билан қопланган тик юзали фациялар	1,1	қўға, қамиш, юлғун	қирғоқларда пода боқилиши билан боғлиқ ифлосланиш учрайди, қониқарли
10	Сув омборининг жанубидаги қия ёнбағри текисликлардаги боғлар ва лалми экинлар экиладиган фациялар	7,1	Маданий ўсимликлар	инсон фаолияти билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли
11	Тўғон ортидаги текисликлардаги боғлар ва турли суғориладиган экинлар эгалланган фациялар	7,4	Маданий ўсимликлар	инсон фаолияти билан боғлиқ чиқиндилар учрайди, қониқарли

Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги фацияларнинг ўзгаришини қиёсий тамойиллар асосида кучсиз ўзгарган, ўртача ўзгарган, кучли ўзгарган ва ўта кучли ўзгарган даражаларга ажратиш мумкин.

Бу ўринда Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги ландшафтлар юқорида қайд этилган барча типдаги фациялар учрайди. Кучсиз ўзгарган ҳудудларга, асосан, жанубий ва жануби-ғарбий зоналар киради. Бу ҳудудлар сув омбори ташкил этилишидан аввал ҳам қишлоқ хўжалигида лалми экинларини экиш ва яйлов сифатида фойдаланилган.

Ландшафтлари фашиал даражада ўзгарган ва ўртача ўзгарган ҳудудларга, асосан, Ёйилмасой ва Равотсой водийлари кириб, уларнинг атрофида жойлашган жарланиш ва эрозион жараёнларда намоён бўлмоқда. Бу ҳудудларда ер ости сувларининг кўтарилиши ва пасайиши натижасида эрозион жараёнлар бирмунча ўзгарган бўлиб, сув омборига сойлардан келаётган сувнинг миқдори билан боғлиқ бўлган табиий географик жараёнлар кузатилади.

Кучли ўзгарган ҳудудларга бевосита сув омбори қирғоқлари туташ бўлган, сувнинг кўтарилиши натижасида сув остида қоладиган жанубий ва жануби-ғарбий қирғоқлар гидроген фацияларида кузатилади.

Ўта кучли ўзгарган ҳудудлар сифатида тўғон, сув омбори косаси, тўғон атрофидаги йўллар ва қурилмалар киради. Уларнинг асосий қисми сув омборининг шимолий қисмида жойлашган. Ушбу ҳудудга сув омборининг шарқий қисмидаги табиий антропоген дарахт-бутали фацияларни ҳам киритишимиз мумкин. Ҳудудни таҳлилий, картографик ва тадқиқий ўрганишлар асосида сув омбори таъсири доираси ҳудудларининг ландшафт-экологик ҳолатини баҳолаб, фойдаланиш даражасига кўра, қуйидагича прогнозлаштириш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудларни тўртта асосий, тўғон орти селитеб-рекреацион ландшафтлар, ўрмон рекреацион ландшафтлар, қишлоқ хўжалиги агроландшафтлар, аҳоли манзилгоҳлари зоналарга бўлиш таклиф этилди. (3-жадвал)

**Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги ҳудудлар фойдаланиш даражасига кўра асосий зоналарга ажратилиши ва прогнози**

3-жадвал

Зоналар номи	Жойлашган ўрни	Фойдаланиш даражаси	Фойдаланиш прогнози	Туристик инфратузилмани ривожлантириш даражаси
Тўғон орти селитеб – рекреацион-ландшафтлар зонаси	Сув омборининг шимолий қисми, тўғони ортидаги селитеб (аҳоли турар жойлари) ҳудудлар	Суғориладиган экинзорлар, боғлар ва кичик дам олиш масканлари мавжуд	Каналбўйи атрофида чўмилиш жойлари, балиқ тутиш ва овқатланиш масканлари, оромгоҳлар ташкил этиш имконияти мавжуд	Камроқ қулай

Ўрмон рекреацион ландшафтлар зонаси	Сув омборининг шарқий қирғоғидаги маданий ва табиий ўрмон бутазорлар ландшафтлари	Сув сатҳидан 15-25 метр узоқликдаги ўрмонзорларда дам олиш масканлар излари мавжуд	Дам олиш ва туристик оромгоҳлари, сув спорт турлари ва болалар ёзги дам олиш масканлари ташкил этиш имкони мавжуд	Қулай
Қишлоқ хўжалиги агроландшафтлар зонаси	Сув омборининг жанубий ва жануби - ғарбий қисмидаги ҳудудлар	Лалми ва суғориладиган дуккакли (мош, ловия, нўхот) ва бедазорларнинг мавсумий майдонлари	Ҳудуднинг жанубий қисмида ўзгаришлар фақат экинлар турларидан мавсумий ва лалми деҳқончилик майдонларини ташкил этиш имконияти мавжуд	Қулай эмас
Аҳоли манзилгоҳлари зонаси	Сув омбор таъсири доираси ҳудудининг ғарбий қисми	Қораянтоқ қишлоғининг ғарбга томон қисқариши, Лойқа ва Обихаёт қишлоқлари сув омбори томон кенгайиб бориши кузатилмоқда	Қораянтоқ қишлоғининг ғарбга, Лойқа ва Обихаёт қишлоқлари сув омбори томон кенгайиб бориши географик ва экологик жihatдан хавф туғдиради	Қулай эмас

## ХУЛОСА

1. Йирик сув иншоотлари, жумладан, сув омборларининг ландшафт-экологик шароитларга таъсири турлича бўлиб, турли давлатларда ирригация, электроэнергия ишлаб чиқариш ва ичимлик суви заҳирасини сақлаш учун қурилган сув омборларининг ландшафтларга таъсири ўрганилди. Ўзбекистон каби арид зоналарда қурилган сув омборлари нафақат ирригация мақсадида, балки рекреация, гидроэнергетика мақсадларида ҳам кенг фойдаланилади ва уларнинг ландшафтларга таъсири уларнинг тури ва фойдаланиш миқёсига қараб ҳар хил кўламда бўлади;

2. Сув омборлари умумий кўрсаткичлари, муҳандислик хусусиятлари, ландшафтларга таъсири, сувни тўплаш шарт-шароитлари, тўфоннинг қурилиш усуллари бўйича икки асосий гуруҳи дамбали ва тўфонли сув омборларига ажратилади. Жиззах сув омбори тоғолди зонасидаги қуйилма сув омбори бўлиб, атрофдаги ландшафтларга таъсири мавсумий ўзгариши аниқланди;

3. Сув омборларининг ҳудудларга таъсир даражасига кўра уларнинг таъсир доираси бевосита таъсир доираси, таъсир майдони, кичик таъсир зонаси, таъсир зонаси каби зоналарга ажратилади. Жиззах сув омборининг ушбу таъсир зоналаридаги ҳудудларда кечаётган жараёнлар турли масштаб ва жадалликка эга бўлгани учун геотизимларнинг ўзгариши ҳам сув ҳажми ва сатҳи билан боғлиқ ҳолда мавсумий хусусиятга эгаллиги таъкидланди;

4. Жиззах сув омбори ва унинг таъсири доирасидаги геотизимлар, илк бор ўзаро боғлиқ ҳолда, сув омборининг атрофдаги ҳудудларга таъсири нуқтаи назаридан йирик масштабда (1:50 000), геотизимларнинг фация бирлиги даражасида ўрганилди. Сув омбори атрофидаги фацияларнинг литоген асоси, иқлими, тупроқ, ўсимлик ҳамда ҳайвонот каби компонентларидаги ўзгаришлар ва рўй бераётган табиий географик жараёнларни ўрганиш орқали 4 та зона ва 11 та фациялар мавжудлиги аниқланди ва уларнинг хусусиятлари тавсифланди;

5. Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги геотизимларнинг ландшафт-экологик ҳолатини белгиловчи табиий омиллар: литоген асос, иқлим, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот оламидаги ўзгаришлар ўрганилди. Тоғ жинсларининг литологик таркибида ғарбдан аллювиал, жануб ва жануби-ғарбдан проллювиал ётқиқзиқлар тўпланмоқда. Ҳаво ҳарорати атрофга нисбатан январда 3-5°C юқори, июнда эса 3°C паст бўлади, туманли кунлар 7-8 кунга ортган. Тупроқлари автоморф режимдан бевосита таъсир доирасида гидроморф, таъсир майдонида мавсумга қараб гидроморф ва яримгидроморф, кичик таъсир зонасида яримгидроморф, таъсир зонасида мавсумга қараб яримгидроморф ва автоморф режимга ўзгаради;

6. Жиззах сув омбори таъсири доирасидаги табиий-антропоген ландшафтларнинг экологик ҳолати баҳоланди ҳамда табиий географик хусусиятлари ва ресурс имкониятларини ўрганиш асосида хўжаликнинг муайян тармоқларини ривожлантириш борасида таклифлар берилди. Хусусан, бевосита таъсир доирасидаги (1-расм) 1,2,3-фациялардан экотуризмда, таъсир майдонидаги 5,6,10-фациялардан лалми деҳқончиликда, 8,11-фациялардан рекреацион объектларни қуришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ;

7. Жиззах сув омбори ва унинг таъсир доирасидаги фацияларнинг табиий шароити кўрсаткичларини ва эстетик аҳамиятини туризм нуқтаи назаридан қулайлик даражалари (қулай, камроқ қулай, қулай эмас) баҳоланди. Қулай даражада деб баҳоланган сув омборига туташ бўлган 1,2,3,9-фацияларда (1-расм) сув спорти турлари, балиқ ови, чўмилиш, қайиқда саёҳат каби туризм турларини ривожлантириш имконияти юқори. Камроқ қулай даражада деб баҳоланган 11- фацияда дала ҳовлилар ва гастрономик туризм объектларини жойлаштириш имкони мавжуд. Қулай эмас деб баҳоланган бошқа фацияларда эса туризмни ривожлантириш имкони мавжуд эмас;

8. Жиззах сув омбори ҳудуднинг ландшафт-экологик ҳолати фойдаланиш даражасига кўра прогнозлаштирилди ва 4 та зонаси, яъни тўғон орти селитеб-рекреацион ландшафтлари, ўрмон рекреацион ландшафтлари, агроландшафтлари ва аҳоли манзилгоҳлари зоналари аниқланди. Тўғон орти селитеб-рекреацион ландшафтлари ва ўрмон рекреацион ландшафтларида экотуристлик инфратузилмани ривожлантириш, лалми деҳқончиликда фойдаланилаётган агроландшафтларда томчилатиб суғоришга асосланган интенсив боғларни ривожлантириш имконияти мавжуд.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019. Gr.01.06  
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**  

---

**ДЖИЗАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**КАРИМОВ ИЛХОМ ЭСОНОВИЧ**

**ОЦЕНКА ЛАНДШАФТНО-ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СОСТОЯНИЯ  
ГЕОСИСТЕМ СФЕРЫ ВЛИЯНИЯ ДЖИЗАКСКОГО  
ВОДОХРАНИЛИЩА**

**11.00.01 – Физическая география**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD)  
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В.2018.2.PhD/Gr56.

Диссертация выполнена в Джизакском государственном педагогическом институте.  
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (nuu.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz.).

**Научный руководитель:** **Абдуллаев Илхом Хотамович**  
кандидат географических наук, доцент

**Официальные оппоненты:** **Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич**  
доктор географических наук

**Рафиков Вахоб Асомович**  
доктор географических наук, (DSc)

**Ведущая организация:** **Каракалпакский государственный университет**

Защита диссертации состоится «22» января 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел.: (+99824) 246-53-21, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный университет Узбекистана факультет Географии и природных ресурсов.

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 3). Адрес: 100195, Ташкент, ул. Университетская 4. Национальный университет Узбекистана. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «11» января 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 29 от «9» января 2021 года).



**Н.И.Сабитова**  
Председатель Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.г.н., профессор

**Ш.М.Шарипов**  
Учёный секретарь Научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
к.г.н., доцент

**З.Н.Тожиёва**  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Быстрый рост населения Земли вызван интенсивным использованием природных ресурсов, особенно водных, в результате влияния которых происходят различные изменения в ландшафтных комплексах, выраженное в процессах заболачивания, засоления, изменения уровня грунтовых вод. Из 1,5 млрд га посевных площадей в мире, 40 % занимает посевные площади продовольственных продуктов. Из этого фонда 300 млн га являются орошаемыми территориями, где природно-антропогенные системы обеспечены водой, и эта цифра увеличится на 30% к 2030 году, по данным Всемирной продовольственной организации FAO<sup>1</sup>. В 6 - разделе программы устойчивого развития ООН до 2030 года отмечается «Обеспечение рационального использования существующих водных ресурсов и предотвращение загрязнения воды<sup>2</sup>» как основные задачи, которые связаны с необходимостью проведения исследований по анализу изменений ландшафтов под влиянием водохранилищ, их оценки и мониторинга.

В мире уделяется большое внимание исследованиям в этой области, включая изучение природных процессов, которые могут происходить в процессе использования водных ресурсов, накопленных в водохранилищах, выражающихся в заболачивании, изменений флоры и фауны, солености, изменений уровня грунтовых вод и ландшафтно-экологического состояния территорий. Необходимо изучение и описание современного состояния ландшафтов водоемов и прилегающих природно-антропогенных систем, в полевых условиях, картографическими, аэрокосмическими методами и картографированием, позволяющих, оценить степень изменений ландшафтно-экологических условий, и разработка мер по улучшению ландшафтно-экологического состояния является очень важной задачей.

В целях обеспечения устойчивого и гарантированного водоснабжения населения и экономики в нашей стране проводятся масштабные работы по развитию ирригационной системы, а также эффективного и рационального использования водных ресурсов, и достигаются значительные положительные результаты. В Указе Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года за номером УП-5742 «О мерах по эффективному использованию земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве» ставятся важные задачи перед системой «Обеспечение ускорения интеграции науки и практики». В связи с этим научные исследования, направленные на оценку формирования и изменения ландшафтно-экологического состояния геосистем сферы влияния Джизакского водохранилища, изучение взаимосвязи влияющих на них факторов на основе системного подхода с учетом специфики природных особенностей конкретной территории, является важной приоритетной научной задачей.

---

<sup>1</sup>FAO of the United Nations and Earthscan, Rome, 2012. Water and Cereals in Drylands.

<sup>2</sup>Повестки дня в области устойчивого развития на период до 2030 года //Электронный доступ: <http://www.uz/undp/org/content/uzbekistan.ru>

Данное диссертационное исследование определенной степени служит задачам, указанным в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-6024 от 10 июля 2020 года «Об утверждении Концепции развития водных ресурсов Республики Узбекистан на период до 2030 года», а также, Постановлению Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 декабря 2018 г. № 978 «О мерах по развитию экотуризма и совершенствованию порядка отвода земель в пределах водоохраных зон водохранилищ» и многим нормативным актам выполняемым в этой сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии приоритетным направлениям развития науки и технологий республики – VIII. «Наука о земле», V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

